

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хайдаров Муродилла Махмутаевич,
тарих фанлари доктори, доцент
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети
olmos1972@mail.ru

УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ

For citation: Khaydarov Murodilla Makhmutaliyevich. IN THREE COUNTRIES CONSTITUTION (TURKISTAN ASSR, BNSR, KHNSR) THE ESSENCE AND LEGALIZATION OF USSR CJNTROLLING SYSTEM. Look to the past. 2020, SI, pp.43-50

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси, Хоразм Халқ Совет Республикаси ва Бухоро Халқ Совет Республикаларининг конституцияларини қабул қилиниши ва моҳияти баён қилинган. Шунингдек конституцияларда акс этган давлат бошқарув тизими, хокимиятчилик ва сайлов тизимидаги ўзгаришлар очиб берилган.

Калит сўзлар: Давлатчилик, конституция, автономия, советлаштириш, социалистик тузум, Нозирлар Шўроси, сайлов, декларация, унитар давлат

Хайдаров Муродилла Махмутаевич,
доктор исторических наук,
доцент Национальный университет
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
olmos1972@mail.ru

ЛЕГАЛИЗАЦИЯ И СУЩНОСТЬ СОВЕТСКОГО СТРОЯ В КОНСТИТУЦИЯХ ТРЕХ РЕСПУБЛИК (ТУРКЕСТАНАССР, БНСР, ХНСР)

АННОТАЦИЯ

В данной статье изложены принятие и сущность конституций Туркестанской Автономной Советской Социалистической Республики, Хорезмской Народной Советской Республики и Бухарской Народной Советской Республики. Также раскрыта система государственного управления, государственность и избирательная системаотражённые в конституциях.

Ключевые слова: Государственность, конституция, автономия, советизация, социалистический строй, совет назиров(министров), выборы, декларация, унитарное государство.

Khaydarov Murodilla Makhmutaliyevich,
Doctor of History, docent
National University of Uzbekistan
olmos1972@mail.ru

**IN THREE COUNTRIES CONSTITUTION (TURKISTAN ASSR,
BNSR, KHNSR) THE ESSENCE AND LEGALIZATION OF USSR
CJNTROLLING SYSTEM****ABSTRACT**

This article is devoted to the adoption and main point of constitutions of Turkistan Sovereign Soviet Socialistic Republic, Khorezm People's Soviet Republic, Bukhara People Soviet Republic. As well as there are written about state governing system, authoritarian system and changes in election system.

Index Term: tatehood, constitution, autonomy, sovetization, socialistic, council of ministers, election, declaration, unitary state.

Долзарблиги. Туркистонда 1917 йил октябр тўнтаришидан кейин ҳокимият болшевиклар қўлига ўтди. Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси октябр тўнтариши воқеаларида фаол иштирок этмади. Сабаби комунистик партия ва ишчилар харакатига таяниб илгари сурилган, ижтимоий-социал ғоялар, социализм ўлка аҳолиси учун тушунарсиз ва бегона эди. Шундай бўлсада, Туркистонда совет ҳокимиятчилиги куч билан ўрнатилди. Туркистон ўлкаси бошқарувида ўзгаришлар содир бўлди. Аввало РСФСР таркибида Туркистон АССР тузилди. Шундан келиб чиқиб РСФСР Конституцияси андозаси асосида Туркистон АССР Конституцияси тузилди. Туркистон АССР Конституциясига кўра ҳам сиёсий ҳам иқтисодий бошқарув Марказга бўйсундирилди. Туркистон АССР, БХСР, ХХСР Конституциялари ўлкада соет бошқарув тизимини ўрнатилишида муҳим роль ўйнади.

2.Методлари:

Ушбу мавзу доирасида мавзуга цивилизацион, тарихийлик ва холисона ёндошув орқали совет ҳокимиятининг бошқарув тизими, унинг моҳияти ёритилди. Совет бошқарув тизимининг Туркистонда, Хоразм ва Бухорода сиёсий марказлаштириш учун олиб борган амалиёти, Конституциялар мазмуни улар ҳақидаги тарихий адабиётлар, янги архив ҳужжатлари асосида тадқиқ қилинди. Туркистон АССР, ХХСР ва БХСР Конституциялари таққослаш орқали ҳам ўрганилиб, ундаги асосий жиҳатларга эътибор берилди. Уч республика ҳукумат ва партия ташкилотларининг

ваколатлари ҳамда улардаги маъмурий ҳудудий бўлиниш таҳлил қилинди.

3. Тадқиқотнинг натижалари:

Туркистон азалдан минтақа халқларининг ягона ва умумий ватани бўлган. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг туб халқлари асрлар давомида турмуш тарзи ва анъаналари жиҳатидан бир-бирларига жуда яқин бўлиб кетган эдилар. Бухоро ва Хоразм республикалари 1924 йил охиригача мустақил давлат бўлганлар. Туркистон минтақаси ягона ҳудуд, тарихий замин, ўз хўжалиги, анъаналари, дини, тили ва маданиятининг муштараклиги билан ажралиб турган.

Совет ҳокимияти учун Туркистон минтақасини бўлиб ташлаб, уни идора қилиш қулай эди. Шунинг учун ҳам дастлаб Туркистон ўлкасига совет "автономияси" берилди, яъни Россия Совет Федерацияси таркибида 1918 йил 30 апрелда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. Бу пайтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги (1920 йилдан бошлаб Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси) мустақил давлатлар эди.

Бухоро ва Хоразм республикаларининг конституциялари "мустақил давлат"нинг асосий қонуни бўлишига қарамасдан, бу ҳужжатлар большевиклар ва Совет Россияси раҳбариятига минтақани советлаштириш жараёнига "ҳуқуқий асос" яратиб берди. Бунда Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг биринчи босқичи (1917-1924 йиллар)да амал қилган Туркистон АССР, БХСР, ХХСР конституциялари моҳияти, яъни қонунларда акс этган советлаштириш жараёни ва уларнинг оқибатлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Бу ҳақда сўнгги йилларда ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимларнинг асарларида ҳам маълумотлар келтирилмоқда.[1]

Советлаштиришга хос мантиқдан келиб чиқиб, Туркистонда Совет Россияси конституцияси андозасидаги конституциялар қабул қилинди. Мана шундай ҳолатда РКП (б) МК 1920 йил 20 августда Туркистон автономиясининг янги вариантини яратиш бўйича яқунловчи ҳужжатни қабул қилди. Унда Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Закаспий вилоятлари ва Амударё бўлимидан иборат Туркистон Республикаси "Россия Федерациясининг мухтор қисмини ташкил этади ва унга РСФСРнинг Туркистон Социалистик Совет Республикаси номи берилади", деб эълон қилинди. Мазкур қарор Бутун Россия Марказий Ижроия Қўмитасининг 1921 йил 11 апрелдаги "Туркистон АССР ҳақида"[2]номли декрет билан узил-кесил ҳуқуқий жиҳатдан қонуний мустақамланди.

Туркистон АССРда социалистик давлатчиликнинг конституциявий расмийлаштирилиши ўлкани советлаштиришга янги туртки берди. Бундай шароитда Ленин раҳбарияти, бир томондан, Туркистон АССРда тизимли марказлаштириш сиёсатини юритди, иккинчи томондан, Туркистон ўлкасини, шунингдек, минтақанинг назорат остига олинмаган ҳудудлари бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига нисбатан ўз ҳарбий босқинини бошлашга катта куч-ғайрат сарфлашга киришди. Бу икки мустақил давлатга қарши ҳарбий ҳаракатлар 1920 йилда авж олдирилди.

Хива хонлиги (1920 йил 1 феврал) ва Бухоро амирлиги (1920 йил 2 сентябрь) қизил армия томонидан тугатилди. Ҳар икки ўзбек хонликлари ҳудудида халқ ҳокимияти ўрнатилиб, большевиклар таъсиридаги Ёш хиваликлар ва Ёш бухороликлар ҳукумати ҳокимият тепасига келди. Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920 йил апрель) ва Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920 йил октябрь) тузилганлиги расмий равишда эълон қилинди.

Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойи (1920 йил 26-30 апрель) да

ХХСРнинг Муваққат Конституцияси қабул қилинди. Бу конституцияда илк марта кенг халқ оммаси сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритди. Конституцияда Хоразмдаги давлат қурилиши республика асосида бўлиши, давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи - Бутун Хоразм халқ вакиллари қурултойи эканлиги, қурултойда Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси - республика ҳукумати сайланиши таъкидланган эди. Конституцияда ёзилишича, Халқ Нозирлар Шўросининг таркиби 15 аъзодан иборат: раис, раиснинг биринчи ўринбосари, раиснинг иккинчи ўринбосари, иккита котиб ҳамда нозирлар: ҳарбий ишлар, адлия, иқтисодиёт ишлари, назорат, ер ишлари, молия, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маориф ва ташқи ишлар нозирликларидан иборат тузилади.[3] Конституцияда кўрсатилишича, Хоразмда маҳаллий ҳокимиятни бошқариш учун район советлари (Шўро) ташкил қилинади. Маҳаллий Шўролар (Советлар) қуйидаги 22 тадан иборат қилиб тузилиши конституцияда белгилаб қўйилди.[4]

Бутун Хоразм халқ вакиллариининг II қурултойи (1921 йил 15-23 май)да қабул қилинган ХХСРнинг янги Конституцияси матнига Туркистон комиссиясининг таъйиқи билан кўплаб моддалар мажбуран тикиштирилди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари анча чекланди. Фаол ва суст (пассив) сайлов ҳуқуқи жорий қилиниб, ХХСР аҳолисининг 10 та категорияси сайлов ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилинди.

ХХСР Конституцияси "Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси" номли махсус боб билан тўлдирилди. Унга кўра, қурултойда сайланадиган Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси қурултойлар ўртасида Хоразм Республикасида олий қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи бўлиб қолди. Хоразм МИКнинг доимий ижро органи МИК Президиуми бўлиб, уни раис бошқаради, хуллас, раис Республика Президенти ҳисобланади.[5]

Конституцияда Хоразмда маҳаллий ҳокимият - район Шўролари миқдори 28 тага етказилиб, улар қуйидагича кўрсатиб ўтилади: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Урганч, Қўшқўпир, Ғазавот, Шовот, Кат, Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Маноқ, Тошовуз, Порсу, Хўжайли, Кўхна Урганч, Қўнғирот, Хива, Ильяли, Қиёт-Қўнғирот, Шоҳобод, Хитой, Янгиёб, Кўкчага, Янгиқалъа.[6]

Бутун Хоразм халқ вакиллариининг III қурултойи (1922 йил 15-23 июль)да яна ХХСРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Конституцияга киритилган ўзгаришлар қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи ҳокимият (Хоразм МИК ва Халқ Нозирлар Шўроси) фаолияти, жойларда маҳаллий шўро ҳокимиятини ташкил қилиш, сайлов ҳуқуқи, маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва бошқа масалаларга таалуқли эди

ХХСР Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидаги 9 та нозирликдан иборат бўлиши белгилаб қўйилди: ташқи ишлар, ҳарбий ишлар, ички ишлар (соғлиқни сақлаш, почта ва телеграф бўлимлари билан биргаликда), адлия (Давлат сиёсий бошқармаси билан биргаликда), маориф, молия, ер ишлари (озиқ-овқат бўлими билан биргаликда), савдо-сотиқ ва саноат (меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимлари билан биргаликда) нозирликлари ва Давлат контроли.[7]

Бутун Хоразм халқ вакиллариининг IV қурултойи (1923 йил 17-20 октябрь) да Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР) га айлантирилди. Қурултойда 20 октябрь куни ХССР Конституцияси қабул қилинди, янги конституция 5 бўлим ва 12 бобдан иборат эди. Бу конституция аввалги қонунлардан фарқли равишда, мамлакатни социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли билан мустаҳкамлади. ХССР нинг янги конституциясига мувофиқ, ернинг хусусий мулк эканлиги бекор

қилинди, вақф ерлари бутунлай тугатилди. Мавжуд ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди, барча вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига берилди.[8] Қозихоналар фаолияти тақиқланиб совет судлари ташкил қилинди.[9]

Хоразм МИК 1924 йил май ойида Хоразм ССР таркибида туркман автоном вилояти ва Қорақалпоқ автоном вилояти тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.[10]

Хуллас, Хоразм Республикасида 1920-1923 йилларда қабул қилинган тўртта конституция, бир томондан, асрлар давомида сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум бўлган Хоразм аҳолисига ана шундай ҳуқуқларни берган бўлса, иккинчи томондан, барча ҳуқуқ ва эркинликлар "совет қонунлари" доирасида амалга оширилишини таъминлади. ХХСР конституцияларининг асосида 1918 йил июлда РСФСР да қабул қилинган биринчи совет конституциясининг асосий мазмуни ётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ана шундай жараёнлар ва "қонуний" ўзгаришлар Бухоро Халқ Совет Республикасида ҳам юз берди. Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойи (1921 йил 18-23 сентябрь) да демократик руҳдаги БХСР Конституцияси (Асосий Қонуни) қабул қилинди. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча вакиллари иштироки таъминлаши ёзиб қўйилди. Хусусий ва савдо-сотиқ эркинликлари унда ўз ифодасини топди. БХСР Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқлар берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Бутун Бухоро МИК ҳузурида Анна Гелди Амонов бошчилигида Туркман бўлими тузилди (1921 йил 22 сентябрь). Кейинчалик шу асосда Туркман вилояти ташкил қилиниб, унга миллий мухторият ҳуқуқи берилди.[11]

Конституцияга кўра, БХСР давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи - Бутун Бухоро халқ вакиллари қурултойи бўлиб, у ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди. Қурултой ҳар йили бир марта чақирилар, унда республика конституциясини қабул қилиш ва ўзгартиришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди. Конституцияга кўра, қурултойлар ўртасида қонун чиқарувчи, тақсимловчи ва назорат қилувчи республика давлат ҳокимиятининг олий бошқарув органи - Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ҳисобланган.[12] Конституцияга мувофиқ, Халқ Нозирлари Шўроси давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди. БХСР ҳукумати - Халқ Нозирлари Шўроси қуйидаги 10 та халқ нозирликларидан иборат бўлган: адлия, ички ишлар; ташқи ишлар; ҳарбий ишлар; маориф; соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот; савдо-сотиқ ва саноат; молия; ер ишлари; Давлат контроли нозирликлари.[13]

Бутун Бухоро халқ вакилларининг III қурултойи (1922 йил 15-18 август)да БХСРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. 1922 йил май ойида тузилган махсус комиссия Конституция матнига ўзгартиришлар лойиҳасини тайёрлади. Конституцияда БХСР даги марказий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига ўзгартириш киритилиб, 4 та категория бўйича шахслар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Бундан ташқари конституция матнига бошқа ўзгартиришлар ҳам (жами 7 та) киритилди.[14]

БХСР ҳукуматида Туркистондан юборилган коммунистик элементларнинг таъсири кучайиб боргач, 1923 йил 14 августда бўлган Бутун Бухоро МИК фавқулодда сессиясида Конституция матнига жиддий ўзгартириш киритишга муваффақ бўлдилар. Бутун Бухоро халқ вакилларининг IV қурултойи (1923 йил 11-17 октябрь) конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Унга

биноан, барча савдогар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва касибларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Бундан ташқари қурултой жамиятда ижтимоий барқарорликни кескинлаштирадиган "совет қурилиши тўғрисида" номли махсус қарор қабул қилди.[15] Марказнинг талаби билан худди ХХСРда бўлгани сингари БХСРда ҳам сунъий равишда социалистик қайта қуришларни амалга оширишга киришилди. Хусусан, қарорда Шарқий Бухоро аҳолисини совет қурилишига тортиш ва советлаштириш жараёнига эътибор бериш кераклиги таъкидланди.

1924 йил 18-20 сентябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро Халқ вакилларининг сўнгги V қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР) га айлантирилган.[16] БССР нинг тузилиши худди ХСР нинг тузилиши сингари Марказдан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса эди.

4. Хулосалар:

Хуллас, Бухоро Республикасида 1921-1922 йилларда қабул қилинган иккита конституция ва унга киритилган ўзгартиришлар худди ХХСР Конституцияси сингари Туркистон АССР ва РСФСР нинг Асосий Қонунидан андоза олинган ҳолатда яратилди. БХСР Конституциясида мавжуд бўлган кўп моддалар декларатив хусусиятга эга бўлиб, бу ҳолат сиёсий жараёнларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

1922 йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ташкил топгач, совет давлати таркибига РСФСР орқали Туркистон АССР ҳам киришга мажбур бўлди. Бу пайтда Бухоро ва Хоразм республикалари "мустақил давлат" сифатида мавжуд бўлган. 1923 йил 6 июлда СССР МИКнинг 2-сессияси СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)ни тасдиқлади. Сессия В.И. Ленин раислигидаги СССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи таркибини тасдиқлади. Бу конституция 1924 йил 31 январда Советларнинг Бутуниттифоқ II съездида узил-кесил тасдиқланди.[17] СССР Конституцияси текстига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этиш ҳақидаги Декларация ва Шартнома матнлари киритилди.[18]

Конституцияга биноан, Бутуниттифоқ Советлар съезди СССРнинг олий ҳокимият органи бўлиб, съездлар орасидаги даврда олий ҳокимиятни икки палата: Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан иборат СССР Марказий Ижроия Комитети амалга оширади. СССР МИКнинг ижро қилувчи ва фармойиш берувчи органи СССР Халқ Комиссарлари Совети эди.

СССР Конституциясига кўра, ҳар қайси иттифоқдош республика ўзининг "мустақил" конституциясини сақлаб қолиши ва унга ўзгартириш киритиши мумкин эди. Ҳар қайси иттифоқдош республиканинг СССРдан ажралиб чиқиш ва унга кириш "ҳуқуқи" эътироф этилди. Бироқ "мустақил" республикалар конституцияси ва уларнинг "ҳуқуқ"лари фақат декларатив характерга эга бўлиб, СССР амалда унитар давлат сифатида ҳокимиятнинг тоталитар авторитар усулида бошқарилган. Барча давлат, совет ва хўжалик ташкилотлари коммунистик мафкура ҳукмронлик қилар, Совет Иттифоқида яшовчи бошқа халқлар сингари ўзбек халқининг миллий урф - одатлари ва анъаналари инкор қилиниб, барча воситалар "ягона совет халқи"ни коммунистик онглилик руҳида тарбиялашга қаратилган эди. Сиёсий ҳокимият эса коммунистик партия қўлида бўлиб, республикалардаги биринчи котиблар КПСС МК Сиёсий бюроси Кремлда чиқарадиган қарорларни бажаришга мажбур қилинган эди. Бу ҳолатдан Ўзбекистон ССР ҳам мустасно бўлмади.

большевиклар партияси социалистик жамият қуришга қаратилган ўз сиёсатини олиб борди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ҳамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент, 2009. -Б.165. (Hamidova M. History of the state and law of Uzbekistan. Tashkent, 2009. -B.165.)
2. Образование СССР. Сборник документов (1917-1924). -Москва-Ленинград: Изд. Ан СССР, 1949. -С. 138-143. (The formation of the USSR. Collection of documents (1917-1924). -Moscow-Leningrad: Publishing House. USSR Academy of Sciences, 1949. -S. 138-143.)
3. Конституция Хорезмской Народной Республики. // Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. Съезды Советов советских социалистических республик. Сборник документов 1917-1922 гг. -Москва: Юридической литературы, 1960. -С. 503-508. (The Constitution of the Khorezm People's Republic. // Congresses of Soviets in documents. 1917-1936. The collection of documents in three volumes. Т. II. Congresses of Soviets of the Soviet Socialist Republics. Collection of documents 1917-1922. -Moscow: Law literature, 1960. -S. 503-508.)
4. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг). Сборник документов. -Ташкент: Фан, 1976. -С. 43. (The history of the Khorezm People's Soviet Republic (1920-1924). Collection of documents. - Tashkent: Fan, 1976. -P. 43.)
5. Конституция Хорезмской Советской Народной Республики. // Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. - С. 514-521. (The Constitution of the Khorezm Soviet People's Republic. // Congresses of Soviets in documents. 1917-1936. The collection of documents in three volumes. Т. II. - S. 514-521.)
6. Конституция Хорезмской Советской Народной Республики. // Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. - С. 518. (The Constitution of the Khorezm Soviet People's Republic. // Congresses of Soviets in documents. 1917-1936. The collection of documents in three volumes. Т. II. - S. 518.)
7. Конституция (Основной Закон) Хорезмской Советской Народной Республики. // Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов в трёх томах. Т. VII. -С. 526-543. (The Constitution (Basic Law) of the Khorezm Soviet People's Republic. // Congresses of Soviets in documents. 1917-1936. The collection of documents in three volumes. Т. VII. -С. 526-543.)
8. Ўзбекистон Миллий Архиви 71-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 25-29-варақлар. (National Archive of Uzbekistan Fund 71, List 1, Case 45, pages 25-29.)
9. Конституция Хорезмской Советской Социалистической Республики. // Съезды Советов в документах. 1917-1937. Сборник документов в семи томах. Т. VII. Съезды Советов союзных и автономных советских социалистических республик Средней Азии. Сборник документов 1923-1937 гг. -Москва: Юридическая литература, 1965. - С. 23-33. (Constitution of the Khorezm Soviet Socialist Republic. // Congresses of Soviets in documents. 1917-1937. The collection of documents in seven volumes. Т. VII. Congresses of Soviets of the Union and Autonomous Soviet Socialist Republics of Central Asia. Collection of documents 1923-1937 -Moscow: Legal literature, 1965. - P. 23-33.)
10. Ўзбекистон Миллий Архиви 71-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 15-16-варақлар. (National Archive of Uzbekistan Fund 71, List 1, Case 31, pages 15-16.)
11. Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов в трёх томах.

Т. II. - С. 564-566. (Congresses of Soviets in documents. 1917-1936. The collection of documents in three volumes. Т. II. - S. 564-566.)

12. Конституция (Основной Закон) Бухарской Народной Советской Республики // Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов трёх томах. Т. II. - С. 566-579. (The Constitution (Basic Law) of the Bukhara People's Soviet Republic / / Congresses of Soviets in documents. 1917-1936. Collection of documents in three volumes. Т. II. - S. 566-579.)

13. Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. - С. 573. (Congresses of Soviets in documents. 1917-1936. The collection of documents in three volumes. Т. II. - S. 573.)

14. Конституция (Основной Закон) Бухарской Народной Советской Республики // Съезды Советов в документах. 1917-1936. Сборник документов в трёх томах. Т. II. - с. 590-603; Образование Союза Советских Социалистических Республик. Сборник документов. - Москва: Наука, 1972. - С. 275-290. (The Constitution (Basic Law) of the Bukhara People's Soviet Republic // Congresses of Soviets in documents. 1917-1936. The collection of documents in three volumes. Т. II. - from. 590-603; The formation of the Union of Soviet Socialist Republics. Collection of documents. - Moscow: Nauka, 1972. - S. 275-290.)

15. О государственном строительстве // Съезды Советов в документах. 1917-1937. Сборник документов в семи томах. Т. VII. Съезды Советов союзных и автономных советских социалистических республик Средней Азии. Сборник документов 1923-1937 гг. - Москва: Юридическая литература, 1965. - С. 62-68; Ўзбекистон Миллий Архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 372-иш, 31-36-варақлар. (About state building // Congresses of Soviets in documents. 1917-1937. The collection of documents in seven volumes. Т. VII. Congresses of Soviets of the Union and Autonomous Soviet Socialist Republics of Central Asia. Collection of documents 1923-1937 - Moscow: Law literature, 1965. - P. 62-68; National Archive of Uzbekistan Fund 47, List 1, Case 372, pages 31-36.)

16. Ўзбекистон РПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 785-иш, 9-10-варақлар. (Republican Party State Archive of Uzbekistan, Fund 14, List 1, Case 785, pages 9-10.)

17. Первая Конституция Союза ССР (Конституция СССР 1924 года). - Москва: Юридическая издательство, 1948. - С. 365-379. (The first Constitution of the USSR (USSR Constitution of 1924). - Moscow: Legal Publishing House, 1948. - P. 365-379.)

18. Государственная власть СССР. Высшие органы власти и управления и их руководители. 1923-1991 гг. Историко-биографический справочник. Автор - составитель В. И. Иврин. - Москва: РОСС ПЭН, 1999. - С. 640. (State power of the USSR. Higher authorities and management and their leaders. 1923-1991 Historical and biographical reference book. The author is the compiler V. I. Ivirin. - Moscow: ROSS PEN, 1999. - P. 640.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000